Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 101 (3602)
ЖУМА
5 МАЙ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БУГУН—МАТБУОТ КУНИ



«В. И. Ленин иш устида»— РСФСР халқ рассоми П. В. Васильев қалам билан чизган расм.
ТАСС фотохроникаси.

Л. И. Брежнев ГФРга келди

БОНН, 4 май. (**ТАСС махсус мухбирлари**). КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев ГФР Президенти В. Шеель ва ГФР федерал канцлери Г. Шмидтнинг таклифига биноан расмий визит билан бугун Германия Федератив Республикасига келди.

Л. И. Брежневнинг ГФРга қилган сафарида унга ҳамроҳ бўлган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Н. А. Тихонов, ташқи савдо министри Н. С. Патоличев, граждан авиацияси министри Б. П. Бугаев, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчилари А. М. Александров, А. И. Блатов, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири Л. М. Замятин, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари А. Г. Ковалевлар ҳам бу ерга келдилар.

Кельн-Бонн аэродромида СССР ва ГФР давлат байроқлари ҳилпираб турибди. Қирувчи самолётлар фахрий эскорти ГФР давлат чегарасидан бошлаб самолётни кузатиб борди.

Самолёт зинапояси олдида Леонид Ильич Брежневни Вальтер Шеель Гельмут Шмидт, СССРнинг ГФРдаги элчиси В. М. Фалин кутиб оладилар.

Кутиб олиш маросимида ГФР федерал канцлерининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри Г. -Д. Геншер, статс-секретарь, федерал президент маҳкамасининг раҳбари П. Франк, статс-секретарь, федерал канцлер маҳкамасининг раҳбари М. Шюлер, федерал канцлер маҳкамасидаги давлат министри Г. -Ю. Вишневский, ташқи ишлар министрлигининг статс-секретари Г. Ван Велль, Бонн шаҳрининг обер-бургомистри Г. Штегер, ГФРнинг СССРдаги элчиси Г. Г. Виклар ҳам ҳозир бўлдилар.

ГФР Президенти ва федерал канцлер Совет Иттифоқидан келган олий мартабали меҳмонни, унга ҳамроҳ бўлган расмий кишиларни самимий табриклайдилар.

Совет Иттифоқи ва ГФР давлат гимнлари ижро этилади. Л. И. Брежневнинг келиши шарафига миллатлар салюти берилади. Л. И. Брежнев билан В. Шеель фахрий қоровул сафи олдидан ўтадилар.

Л. И. Брежнев кутиб олиш учун келган СССР элчихонасининг, ГФРдаги бошқа совет муассасаларининг ходимлари, журналистлар олдига борib, улар билан самимий саломлашади. Болалар Леонид Ильичга гуллар тақдим этадилар.

Тантанали кутиб олиш маросими тугади. Л. И. Брежнев билан В. Шеель машинага ўтирадилар. Мотоциклчилар ҳамроҳлигидаги кортеж Совет Иттифоқидан келган меҳмонлар ГФРда бўлган чоғларида улар учун ажратилган резиденция — Бонн яқинидаги Гимних қасри томон йўл олади.

КЎРИК НИҲОЯСИГА ЕТДИ

БУГУН

матбуот кунига бағишлаб Тошкент трактор заводининг цех ва бўлимларида чиқариладиган деворий газеталарнинг кўриги ниҳоясига етди.

Анъанага айланиб қолган қуйи матбуот кўриги корхонада деворий газеталарнинг сифатли чиқарилишига нечоғлик аҳамият берилаётганлигидан далолат беради. Қуйи матбуот органларининг муқим чиқиб туриши, уларнинг партиявийлиги, ғоявий йўналиши, безатилиши — конкурснинг асосий шартидир. Бундан ташқари деворий газеталарда цех ва бўлимларда социалистик мусобақа қандай ёритилаётгани, «Уч йиллик план — СССР янги Конституцияси н и н г бир йиллигигача!», «Сафимизда қолоқлар бўлмасин» каби ташаббус ва шу кунниинг бошқа актуал масалаларининг ёритилиши алоҳида эътиборга олинади. Шунингдек, газетада берилган мақолаларда кўтарилган проблематик масалаларга нисбатан партия ташкилотлари, касаба союзлари мажлисларида қандай чоралар кўрилганлиги ҳам ҳисобга олинади. Ҳар бир деворий газета саҳифасида сурат ва расмлардан нечоғлик фойдаланилганлиги юзасидан конкурсда муҳим аҳамиятга эгадир.

Конкурсда голиб чиққан деворий газеталар учун 1, 2, 3-пул мукофотлар ҳамда дипломлар топширилди. Деворий газеталар конкурсининг ўтказилиши цех ва бўлимлардаги муҳим масалаларни мунтазам ёритиб бориш ва шунингдек, газеталарнинг мазмунли, безакли, оммавий ҳамда партиявий бўлишига ёрдам бермоқда.

И. ҚУЗИЕВ.

Жасорат тўғрисида тўлқинлантирувчи қисса

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Кичик ер» ва «Тикланиш» китоблари совет халқининг Улуғ Ватан уруши йилларида ва урушдан кейинги даврда кўрсатган жасорати ҳақидаги таъсирчан ҳикоядир. 4 май куни Ўзбекистон ССР Фанлар академиясида бўлиб ўтган китобхонлар конференциясининг катнашчилари бу китобларга ана шундай баҳо бердилар. Конференцияни республика Фанлар академиясининг президенти, академик О. С. Содиқов очди.

— Леонид Ильичнинг асарлари,— деб таъкидлади 18-армия ветерани, ботаника боғи директорининг ўринбосари М. Ф. Фастишков, — жангчиларни ҳужумга отлантирган, оташин сўз ва шахсий намунаси билан уларни 1945 йилнинг музаффар майига, тинч фронтда меҳнат ғалабаларига олиб келган коммунистлар ҳақидаги ҳаққоний қиссадир. Китобларнинг ҳар бир сатри ғалаба кунини яқинлаштирган кишиларга чуқур меҳр-муҳаббат ҳислари билан суғорилгандис.

Сўзга чиққан нотиқлар Леонид Ильич Брежневнинг асарлари жуда катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, курашишга ва ғалаба қозонишга ўргатажагини таъкидлаб ўтдилар.

(ЎзТАГ).

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Меҳнат Қизил Байроқ орденли 159-қурилиш трести 9-қурилиш бошқармасининг Ринат Гайнулин бошлиқ комплекс бригадаси азаматлари республикамизнинг ўн нафар ишлаб чиқариш илғори бошлаб берган ватанпарварлик ташаббусига қўшилиб, бир беш йилликда икки беш йиллик планни бажаришга аҳд қилган эди. Бригада март ойининг бошида беш йиллик планни бажарди. Ҳозир иккинчи беш йиллик планни бажариш иштиёқида меҳнат қилмоқда.

Р. Гайнулин бригадаси байрам арафасида «Марказ— 14» кварталидаги магазин биносида монтаж ишларини тугаллади. Ҳозир бу ердаги яна бир кўп қаватли турар жой биноси қурилишида графикдан ўзғанҳолда иш олиб борилмоқда. Бунда коллективнинг Иван Блиялкин, Баҳодир Хайтбоев, Вячеслав Суворов каби аъзоларининг ҳиссалари катта бўлмоқда.

Чорраҳада чиройли уй

Темирязов ва Хуршид кўчаларининг чорраҳасида «Гипронин» лойиҳалаш институти лойиҳаси бўйича 72 квартирали 5 қаватли бино бунёд этилмоқда.

БУГУН

бинонинг 32 квартираси биринчи қисми қурилиши тугалланди. Қолган 40 квартирали қисми эса шу йили фойдаланишга топширилади. Қурилиш-монтаж ишларини 153-трестнинг 3-қурилиш бошқармасидаги К. Плешков бошлиқ комплекс бригада қурмоқда. Бу бинода истиқомат қилувчи оилалар учун ҳар томонлама қулайликлар яратилади. Унинг биринчи қаватига магазинлар жойлашади. Бундан ташқари химчистка пункти ҳам ишлайди. Бино гидрометрология ходимлари учун аталган. Қурувчилардан пайвандчи П. Тепиков ва А. Мирзаевлар кундалик топшириқларни 110— 120 процент бажаришмоқда.

Ҳ. МИРЗАКАРИМОВ.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ЯНГИЛИКЛАРИ

● **Чирчиқ химикларининг янги бир маҳсулотига Давлат Сифат белгиси берилди.** Ҳозирда «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида ана шу белги билан тайёрланаётган етти хил маҳсулот умумий ишлаб чиқаришнинг қарийб тўртдан бир қисмини ташкил қилади.

● **Шу кунларда область автомобилда юк ташиш трестининг 2-автомобиль корхонасида мамлакатимизда тайёрланган энг янги маркали машиналар синовдан ўтказилмоқда.** Чирчиқ транспортчилари двигатели газ ёқилғиси билан ишлайдиган «ЗИЛ-130» маркали автомобилларнинг тўққизтасини дастлабки тажриба тариқасида ишлатишмоқда.

● **Ангрендаги «Средазуголь» ишлаб чиқариш бирлашмасининг марказий электр механика устахоналарида экскаваторнинг тортиш ўқини** ремонт қилиш бўйича рационализаторлик таклифи татбиқ этилди. Янгиликдан бир йилда 8 минг сўмлик иқтисодий фойда олиш мумкин.

● **Янгийўлда узунлиги 457 метр, смета қиммати бўйича капитал қурилишга 2 миллион сўм пул сарфланган темирйўлдан ўтиш йўли қурилиб фойдаланишга топширилди.** Бу шаҳарда автомобиль транспортининг ҳаракатини айчагина яхшилади.

● **Ўзбекистон кийим эридиган ва ўтга чидамли металлар комбинатининг пайвандловчиси Рўзмат Абдуқодиров ўзувчор ўнинчи беш йиллик топшириғини адо этди.** Унинг бирдан бир шиори бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажаришдир.

● **Областнинг Оқтўрғон, Бекобод, Коммунист, Янгийўл районларида** 15 дан ортиқ бадиий ҳаваскорлик коллективи иштирок этган эстрада санъатининг биринчи тури бўлиб ўтди. Район кўрикларининг голиблари шу йилнинг май ойида бўладиган область кўригида катнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

● **Гаванада бўладиган халқаро ёшлар ва студентларнинг XI жаҳон фестивали олдидан область ёшларининг фестивали бўлиб ўтди.** «Биз ватанпарвар — интернационалистларм и з» деган шиор остида ўтказилган бу байрамда шаҳарлар ва районларнинг 3 мингдан ортиқ ёш вакили қатнашди. Чирчиқ шаҳри, Коммунист райони, Ўзбекистон ўтга чидамли ва қаттиқ қотишмалар комбинатининг «Кристалл» ансамбли, «Электрохимпром» бирлашмасининг «Ритм» ансамбли область фестивалининг лауреатлари бўлдилар.

ЎЗБЕК ТИЛИДА

«Ўзбекистон» нашриёти В. И. Ленин тўла асарлар тўплами бешинчи нашрининг 36-томини ўзбек тилида босмадан чиқарди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти — КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институтининг филиали томини босмага тайёрлаган, асар Тошкент полиграфия комбинатида чоп этилган.

(ЎзТАГ).

«Халқлар дўстлиги» майдонидан репортаж

ТРАНСПОРТ ТУННЕЛИ

Халқлар дўстлиги проспекти, Ўзбекистон ва Фурқат кўчалари чорраҳасида транспорт туннели қурилиши бошланди. Ҳозир қурилаётган кино концерт зали ёнида Халқлар дўстлиги проспектининг ўнг томони ва трамвай йўлининг бир тармоғи бузилиб, туннель қурилиши учун нотлован қазилмоқда. Айни кунларда объектда ағлама машиналар, экскаваторлар ҳамда бульдозерлар «ҳонимдин» қилмоқда. Ер қазиш ишлари икки сменада амалга оширилаяпти. Объектда «Главташкентстрой»нинг Қурилиш механизацияси трестига қарашли 1-механизация бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Вадим Викторович Никишинни учратганимизда, у қурилиш ишларининг бориши ҳақида гапиришдан олдин объект қурилиши қандай бўлиши ҳақида шундай деди:

— Транспорт туннели қурилиши ҳам Халқлар дўстлиги майдони қурилишининг асосий объектларидан бири бўлади. Туннель қурилиши лойиҳасини ишлашда архитекторлар яқин йиллар ичида шаҳарда транспорт воситалари ҳаё миқдорда кўпайишини ҳам ҳисобга олишган. Унда ҳаракат икки йўналишда бўлади. Уларнинг бири Чилонзордан келаётган автомашиналарга мўлжалланган бўлса, иккинчиси эса яқин келажакда қурилиш ишлари тугалланадиган Фурқат проспекти бўйлаб келаётган автомашиналарга хизмат қилади.

Бинони ўз вақтида, сифатли қилиб битказиш учун қурилиш ишлари бошланган дастлабки вақтлардан бошлаб ишни график асосида ташкил этиш керак. Трест механизаторлари объект қурилишида унумли меҳнат қилишмоқда.

Автомашиналарни н г бекор туриб қолмаслигида, уларга пешма-пеш тупроқ ортишда экскаваторчи Тўхтавой Мусаевнинг ҳиссаси катта бўлляпти.

— Иш вақтидан унумли фойдаланиш орқали планларимизни ошириб бажаряпмиз, — дейди Тўхтавой Мусаев. — Мен ёрдамчим Александр Уткин билан биргаликда котлован қазиш ишларини май ойининг охирига қадар бажариш ниятидамиз. Объектда бульдозерчилардан Руслан Сирожиддинов, Александр Федотов каби меҳнатсеварлар ҳам яхши ишлашмоқда.

Қазилган тупроқларни ташишда Тошкент шаҳар марказлашган усулда юк ташиш трестига қарашли 39-автокорхонанинг ҳайдовчилари ибрат кўрсатишмоқда. Корхонанинг Вадим Морозов бошлиқ бригадаси бу йил биринчи марта «Главташкентстрой»нинг қурилиш трестлари билан биргаликда моснвалик шофер Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Федюнининг бригада пудрати методи асосида меҳнат қилмоқда.

Ҳандовчилар бригадасининг бошлиғи В. Морозовдан янги метод бўйича ишлашнинг афзалликлари хусусида сўрадик.

— Бригада пудрати методи шоферларга ҳам иш вақтидан унумли фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ёқилғини тежаб-тергаб ишлатишда қўл келмоқда,— деди бригада сардори.— Пудрат усулида ишлаганда шоферлар ва экскаваторчилар ўртасида аниқ иш графиклари бўлиши, томонлар бунга қатъий амал қилиши керак. Биз ҳозир бу қоидага риоя қилярпмиз. Топшириқлар оширib бажаряпти.

Транспорт туннели қурилишида иш қизғин. Қурувчилар нун сайин кўпроқ, сифатлироқ меҳнат қилишга интилишяпти. Бу ерда яна бир неча кунлардан сўнг котлованни шиббалаш ишлари ҳам тугалланган, қурилишнинг бош пудратчиси — «Главташкентстройга қарашли 11-трест бинокорлари бетонлашни бошлаб юборишади. Объектда меҳнат қилаётган қурувчилар барча куч ва имкониятларини қурилишни 1980 йилга қадар битказишга қаратишмоқда.

А. НИКЗОВ.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● Л. И. Брежнев билан А. Н. Косигин ўртоқлар Нур Муҳаммад Тароқийга телеграмма йўллаб, унинг Афғонистон Демократик Республикаси Революцион ненгашининг раиси ва ҳукумат бошлиги олий лавозимларига сайланиши муносабати билан самимий қутловлар, шунингдек унинг афғон халқи бахт-саодати йўлидаги, Афғонистоннинг миллий ва социал тараққиёт манфаатлари йўлидаги фаолиятида катта муваффақиятларга эришишини тилаб билдирган истакларини изҳор этдилар.

● 4 май куни Тошкентда иссиқ иқлим ва баланд тоғли районлар шароитида автомобиль транспортидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга бағишланган Бутуниттифоқ илмий-техника конференцияси ўз ишини бошлади.

Конференция иштирокчилари турли корхоналар, илмий ташкилотлар ва олий ўқув юртлари ўтказган тадқиқотларнинг натижаларини баён қилиб берган 200 дан кўпроқ докладни муҳокама қиладилар.

УЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА УЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССР халқ шонри Ғайратий (Абдурахим Абдуллаев)нинг кўп миллатли совет адабиётини ривожлантиришдаги катта хизматларини инобатга олиб, унинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Тошкент шаҳар ижроия комитетига шаҳардаги қунар-техника билим юртларидан бирига ва кўчалардан бирига Ғайратий номини бериш, шунингдек Ўзбекистон Ёзувчилар союзи билан биргаликда шоирнинг қабрига мармар плита ўрнатиш топширилди.

телетайп лентасидан

★ ПРАГА. Чехословакиянинг Адамов шаҳридаги «Адаст» ихтисослаштирилган машинасозлик заводи кейинги йилларда Совет Иттифоқига 10 мингдан зиёд офсет машиналари юборди. Бу маҳсулот юнсак техникавий даражада бўлиб, пухта ишлайди. Унга бошқа мамлакатларда ҳам талаб кўп. Ҳозирги вақтда завод 96 давлатга ўз маҳсулотини юбормоқда.

★ ВЕНА. Хофбург саройида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг саноатни ривожлантириш бўйича комитетининг доимий комитетининг иккинчи директорининг мазкур ташкилотнинг 1977 йилги фаолияти тўғрисидаги докладини муҳокама қиладилар, шунингдек ташкилотнинг 1980— 1983 йилларда ривожлантириш перспектив планини тасдиқлайдилар. Бу план саноатни ривожлантириш кенгаши доимий комитетининг иккинчи бош конференцияси қарорларини амалга оширишга қаратилган. Шу планга мувофиқ жаҳон саноат ишлаб чиқаришида ривожланаётган мамлакатларнинг ҳиссаси икки мингинчи йилга бориб ҳозирги 7 процент ўрнига 25 процентга етиши керак.

★ НЬЮ-ЙОРК. БМТ Бош секретари К. Вальдхайм Исроилнинг Ливанга қарши агрессиясини тугатиш учун яна чоралар кўриш зарурлигини таъкидлади. У Хавфсизлик Кенгаши раиси номига йўллаган мактубида Хавфсизлик Кенгашининг ўт очишни дарҳол тўхтатиш ва Исроил қўшинларини дарҳол Ливан территориясидан олиб чиқиб кетишни талаб қилиб, шу йил 19 мартда Хавфсизлик Кенгашн чиқарган резолюцияни тўла равишда бажаришга чақирди.

★ БАҒДОД. Ироқ Республикасида деҳқонларнинг оғир меҳнатини механизациялаш йўлида олға қараб яна бир қадам қўйилди. Шу йилнинг бошидан бери Басит вилоятидаги қишлоқ хўжалик кооперативларига 328 та замонавий комбайн тақсимлаб берилди.

★ ДАККА. Бангладешда шу йил 3 июнда бўладиган сайловда президентлик лавозимига номзодлар кўрсатиш тамомланди.

Марказий сайлов комиссияси 11 номзодни рўйхатга олди. 6 партияни бирлаштирган миллатчи фронт мамлакатнинг ҳозирги президенти Зиёур Раҳмонни ўз номзоди қилиб кўрсатди.

Беш партияни ўз ичига олган Бирлашган демократик фронт президентликка милий халқ партияси раҳбари М. А. Г. Усмонийни номзод қилиб кўрсатди.

Бангладеш Коммунистик партияси Марказий Комитетининг раиси Мони Сингх «Бирлашган демократик фронт»ни қўллаб-қувватлаш и н и билдириб, маъмурларни Компартиянинг очиқ ишлашига рухсат беришга чақирди.

(ТАСС).



Комсомол аъзоси Ирина Лимнинг бирлашмага келганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо у тезда револьверчи касбини пухта эгаллаб олди. Албатта унинг бу касбини эгаллашига авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг мураббийлари сидқидилдан ёрдам беришди. Эндиликда у ўзига топширилган вазифани муваффақиятли уддалаб, смена топшириқларини ортиғи билан адо этиб келяпти.

СУРАТДА: Ирина Лим. А. Кашапов фотоси.

ЭКСПОНАТЛАР ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

МЎЪТАБАР ДАРГОҲ

Доҳиймиз В. И. Ленинининг номи ва у билан боғлиқ бўлган ҳамма нарсалар биз учун ниҳоятда қимматлидир. В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали очилганидан бери уни зиёрат қилувчилар 4 миллион кишидан ошиб кетди. Ватанимиздан ва 120 дан ортиқ чет мамлакатдан келган вакиллар пролетариат доҳийси, дунёда биринчи социалистик давлатнинг асосчиси фаолияти билан қизиқиб танишмоқдалар.

Музейнинг 20 залида 3 мингдан ортиқ экспонат қўйилган. Улар Ленин қўлёзмаларининг фотонусхалари, асарлари, Владимир Ильич суратлари, Музей фондларида эса 9 мингдан ортиқ экспонат сақланади.

Музейнинг дастлабки 10 залида В. И. Ленининг Улуғ Октябрь революцияси ғалабасигача бўлган ҳаёти ва фаолияти кўрсатилган.

Бир неча залларда экспонатлар В. И. Ленин дунёда биринчи ишчи ва деҳқонлар ҳокимиятининг ташкилотчиси, социалистик қурилишнинг раҳбари, халқаро коммунистик ҳаракатнинг йўлбошчиси эканлигини акс эттиради.

Ленин таълимоти ва ғояларининг тантанасига бағишланган залларда ленинизмни ижодий ривожлантирган КПСС XXV съезди материаллари бор.

Музей экспозицияларида ҳайкалтарош ва рассомларнинг энг яхши асарлари ҳам ўрин олган.

Музейда В. И. Ленин овози ёзилган пластинкалар, Ленич ҳаёт чоғида олинган кинолента-лар бор. Учта кўргазма залида мунҳим, унутилмас саналарга, давримизнинг актуал масалаларига бағишланган ранг-баранг кўргазмалар ишлаб туради. Ҳозирги кунда СССР янги Конституциясига ва Карл Маркс туғилган кун санасига бағишланган кўргазмалар чуқур таассурот қолдирмоқда.

Тошкент шаҳридаги кўпгина мактаб пионерлари «Ленин васиятларига содиқмиз» номли дружина сборларини шу ерда ўтказдилар. Шу кунларда музейга келувчиларнинг кети узилмайди. Бу совет кишиларининг Ленинга бўлган зўр ҳурмат-эътибори, садоқатининг ёрқин кўринишидир.

Ф. МИРРАҲИМБОЕВА,
В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиалининг илмий ходими.

БОШ МУХБИРИМИЗДАН

Тошкент оқшоми **ХАБАРЛАР**

ЯНГИЛИК! ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

МАССИВ КЎРКАМЛАШМОҚДА

Ҳамза районидаги «Иззат» массиви гўзаллашиб бормоқда. Бу ерда ҳозир 25 дан ортиқ тўрт қаватли бинолар қад кўтариб ана шу уйларда юзлаб ҳамшаҳарларимиз ҳовли тўйларини ўтказишди. Яқинда массивда янги дорихона, озиқ-овқат магазини, алоқа бўлими ҳамшаҳарларимизга хизмат кўрсата бошлади.

Меҳнаткашларн и н г халқаро бирдамлик куни — 1-Май арафасида эса 4-трестнинг 6-қурилиш бошқармаси бинокорлари массивда 280 ўринли икки қаватли боғчани фойдаланишга топширишди. Бугунги кунда боғча маъмурияти кичкинтойлар учун салкам 35 минг сўмга ўйинчоқлар, стол ва стулчалар сотиб олди. Боғчадаги 12 группанинг ҳаммаси учун ёзги айвончалар қурилган бўлиб, бу ерда ёш ҳамшаҳарларимиз ёзнинг иссиқ кунларида дам олишади.

С. САЪДУЛЛАЕВ.
ўқитувчи.

ГАЗЕТХОН ХАБАР БЕРАДИ...

ЁШ ОЛИМЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ёш олимларининг Ўзбекистон ССР янги Конституциясини ўрганишга бағишланган илмий-назарий конференцияси бўлиб ўтди. Унда Ш. Шоаҳмедовнинг «Ўзбекистон ССРнинг янги Конституцияси ривожланган социалистик жамият тўғрисида», В. Мираҳмедовнинг «Янги Конституцияда социалистик демократиянинг янада ривожлантирилиши», М. Ёқубовнинг «Ўзбекистон ССР янги Конституцияси миллат ва миллий муносабатлар тўғрисида» ва бошқа мавзуларда докладлар тингланди.

Академия ёш олимларининг докладларида ҳаётимиз Асосий Қонунининг тарихий аҳамияти, унда кўзда тутилган совет ниши-ларининг асосий ҳуқуқ ва бурчларига алоҳида эътибор берилди. Конференция республикамиз ижтимоий ҳаётида муҳим роль ўйнаётган Ўзбекистон ССР Конституциясини ўрганиш борасида катта аҳамиятга эга бўлди.

Ю. САТТОРОВ,
доцент.

ҚАРОРЛАР — АМАЛДА

ИШЧИЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

57-ўрта ҳунар-техника билим юртини тамомлаб, завод ва фабрикаларда ишлаётган ёшларнинг сони 1200 дан ошиб кетди. Бу даргоҳ ўнинчи марта билимдон ва ҳунарманд ёшларни ишчи авлоди сафига етказиб беряпти.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Умумий таълим мактабларининг ўқувчиларига таълим, тарбия беришни ва уларни меҳнатга тайёрлашни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорини амалга оширишда билим юрти ибратли ишлар қиляпти.

Янги ётоқхона, пайвандлаш устахонаси биноси ишга туширилди. Эндиликда уч юз ўринда 800 бола ўқияпти. Булардан 290 таси вьетнамлик ёшлардир.

26 та устахона кабинетларини техника воситалари билан таъминлашда «Узбексельмаш», «Ташкент т к абель» ишлаб чиқариш бирлашмалари, трактор заводи каби оталиқ ташкилотлари яхши ёрдам бермоқдалар. Бу ерда шу корхоналар ёрдамида автослесарлик, фрезеровкачи, мебелсоз дурадгорлар, металл бўйича токарлар, кабель ишлаб чиқариш бўйича электромонтер каби ҳунарлар ўргатилади.

Шу кунларда ўқувчилар етуклик аттестати учун давлат имтиҳонлари топширишяпти. Имтиҳонлар тугагач, улар олган касблари бўйича ишлаб чиқаришда якуний машғулотлар ўтказишади.

12-ўрта мактабнинг 8-синфини битирувчи 18 ўқувчи шу билим юртининг автослесарлик бўлимига киришга ариза беришди. Улар ишчилар сафига қўшилишга аҳд қилдилар.

С. СУЛТОНОВ,
12-мактаб ўқитувчиси.



84-шаҳар ўрта ҳунар-техника билим юртида кўплаб ёшлар билим олишмоқда. Бу ерда юксак малакали мебелсозлар, монтёрлар, ёғоч ва ганч ўймакорлиги усталари, ҳурувчи дурадгорлар, слесарь-сантехниклар, электр пайвандчилар, ғишт терувчи монтажчилар тайёрланади. Ёшларга ўз касбини пухта эгаллаб олган мастерлар билим беришади.

СУРАТДА: ишлаб чиқариш таълими мастери Ҳ. Норқўзиев (чапдан иккинчи) 94-группа ўқувчилари билан бирга фрезерлик дастгоҳини бошқариш бўйича машғулот олиб бормоқда.

И. Ёқубов фотоси.

• Турли касб эгалари

ГЎЗАЛЛИК БАХШ ЭТУВЧИЛАР

Ҳар бир касбнинг гашти бор. Бизни кўпинча гўзаллик бахш этувчилар дейишади. Бунда жон бор, албатта. Ҳар бир мижоз сартарошхонага ташриф буюрар экан, бу ердан бир олам қувонч олгандек кўринади. Мана мен 54 йилдан бери сартарошлик касбини эгаллаб, аҳоли хизматида бўлмоқдаман.

Ҳозир 125-сартарошхонада 50 нишнга бошчилик қилиб ҳар сменада 500 га яқин ҳамшаҳарларимиз ва меҳмонлар ҳожатини чиқармоқдамиз. О. Демченко ва В. Асханова, А. Зарипов, А. Орифхўжаев каби ҳамкасбларим билан ҳамиша фахрланаман. Чунки бу устадан хизматидан мижозларимиз ҳар доим хурсанд.

Ҳозиргача мен ҳар кварталда биттадан шогирд етиштирдим. Бу бир йилда тўртта шогирд деган сўз. Ҳозир шаҳримиздаги барча сартарошхоналарда 200 га яқин шогирдларим ишлашмоқда.

Сартарошхонам н з д а ўз ишимн пухта билган усталар ишлаши туфайли ўтган йил планн 112 процент қилиб адо этилди. 81 минг сўмлик ўрнига 96 минг сўмлик хизмат кўрсатилди. Унинчи беш йиллик учинчи йилининг тўрт ойи мобайнида ҳам ҳамшаҳарларимиз ва меҳмонларга пландан ташқари 2,5 минг сўмлик хизмат кўрсатишди. Мен бундай гўзаллик бахш этувчи ҳамкасбларим билан ҳамиша фахрланаман.

Ж. ЭРГАШЕВ.

ГАЗЕТХОН ХАБАР БЕРАДИ...

ЁШ ОЛИМЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ёш олимларининг Ўзбекистон ССР янги Конституциясини ўрганишга бағишланган илмий-назарий конференцияси бўлиб ўтди. Унда Ш. Шоаҳмедовнинг «Ўзбекистон ССРнинг янги Конституцияси ривожланган социалистик жамият тўғрисида», В. Мираҳмедовнинг «Янги Конституцияда социалистик демократиянинг янада ривожлантирилиши», М. Ёқубовнинг «Ўзбекистон ССР янги Конституцияси миллат ва миллий муносабатлар тўғрисида» ва бошқа мавзуларда докладлар тингланди.

Академия ёш олимларининг докладларида ҳаётимиз Асосий Қонунининг тарихий аҳамияти, унда кўзда тутилган совет ниши-ларининг асосий ҳуқуқ ва бурчларига алоҳида эътибор берилди. Конференция республикамиз ижтимоий ҳаётида муҳим роль ўйнаётган Ўзбекистон ССР Конституциясини ўрганиш борасида катта аҳамиятга эга бўлди.

Ю. САТТОРОВ,
доцент.

...МАҚТАЙДИ...

ДОИМ ОЗОДА

Биз, 1-Қорақамиш массивининг 4-микрорайонига жойлашган 23-озиқ-овқат магазини хизматчиларидан жуда мамнунмиз. Бу ерга қачон кирманг сотувчилар харидорлар билан ҳамиша хушмуомалада бўлишади. Пештахталарда ҳар хил маҳсулотлар тартиб билан терилиб ва тўлдириб қўйилган бўлишига қарамасдан сотувчилар харидорларга уларни танлаб олишда кўмаклашишади.

Магазин ўз-ўзига хизмат кўрсатиш усулида ишлаётган бўлиб, ҳар куни юзлаб харидорлар кириб чиқиб нетишига қарамасдан кенг, ёруғ 200 квадрат метрли савдо залн ҳар доим озода бўлади. Биз бунда Зуҳра Холтаева, Д. Шорахмова ва магазин мудири А. Орифжоновларнинг хизматларн барчага ўрнак бўларли даражада эканлигинн яхши биламиз. Бундай озода магазиндан ҳар доим кириб харид қилгинг келади.

А. НАСИМОВА, М. ТОЛИПОВА, М. ДАВРОНОВА ва бошқалар.

...ТАКЛИФ ЭТАДИ...

БЕКАТЛАРДА ҚУЛАЙЛИК БЎЛСА

Кўча ҳаракати тўғрисида гап борганда Собир Раҳимов районидаги бир қанча нўқадаги тролейбусларнинг бекатлари ҳақида гапиришга тўғри келади. Пушкин номли маданият ва истироҳат боғи томон юрганингизда 2- ва 7-троллейбуслар ва бир неча маршрутдаги автобусларнинг кўчанинг икки бетида тўхташи кўпчиликни ажаблантиради. Чунки бу ерда машиналар қатнови анча тез бўлиб транспортга чиқувчи ва тушувчи йўловчилар учун ҳавф-хатар туғдирмоқда. Бундан ташқари ана шу атрофда йўловчиларнинг ўтиш ери кўрсатилмаганлиги сабабли аҳоли дуч келган жойдан ўзини хавф остида қолдириб, транспортга чиқишга ошиқади.

Бизнинг бирдан бир илтимосимиз шуки, шаҳар давлат автоинспекцияси йўловчилар учун қулайлик туғдириб, бу ерда ўтиш жойи ташкил этиб, светофор қўйса яхши бўларди. Ё транспортлар бекатини бошқа ерга нўчириш лозим.

М. ҲАҚИМОВ,
йўловчи.

...ТАНҚИД ҚИЛАДИ

БУ—НОИНСОФЛИК-КУ!..

23 апрель куни «Қозоғистон» кинотеатри бекатида 72-маршрут бўйича қатнайдиган 2-автопарка қарашли «ТНИ 20-69» маркали экспресс автобусига чиқиб, компостерга рўпара бўлдим. Аммо у «нуқталанган», кассаларда эса билет йўқ. Шофёр «Йўл ҳақини ҳайдовчига узатинглар», деб йўловчиларни орқа эшикдан киритиб, олдинги эшикдан туширар, йўл-йўлакай ҳаммадан 10 тийиндан йиғиштириб оларди. Билет талаб қилганларга важоҳат билан тиниларди.

Йўл-йўлакай хомчўт қилдим. Бу ноинсоф билет бермасдан тўплаётган пулларни нима қилади? Ҳойнаҳой, давлат кассасига топширмаса керак! Ачинарлиси шуки, йўловчилар ҳам бунга одатланиб қолишган. Ахир, баъзи шоферларнинг нафсини ғовлатаётган ўзимиз эмасмн?! Нима учун ундан билет талаб қилмаймиз? Ёки ҳиммат қилалпмизми?

24 апрель кундуз соат ўндан 20 минут ўтганда «Успенский музика мактаби» бекатида «ТНГ 62-22» маркали 4-маршрут таксига чиқдим. Бунда ҳам шу аҳвол. Йўловчилар 20 тийиндан узатди, лекин бирортасига ҳайдовчи билет бермади. Балки бундай ноинсоф шоферлар давлат кассасини эмас, фақат ўзларининг чўнтакларини қапалпайтиришни ўйлашаётгандир. Ҳозирча уларнинг мушугини ҳеч ким «пишт» деляётгани ҳам йўқ. Ахир, бу инсофсизлик қачонгача давом этади? «Главташпассавтотранс» бошқармаси раҳбарлари бунга нима дер экалар?

Ш. СИДДИҚОВ.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

А. ҒАНИЕВ: Совет Ўзбекистонида хотин-қизлардан қанча депутат бор?

Жавоб: Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар Туркистонда атиги олтмишдан зиёд хотин-қиз корхоналарда ишлаган эди. Ҳозир хотин-қизлар республикамиз халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида меҳнат қилишмоқда. Улардан 248 киши СССР Олий Совети, Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР Олий Советларининг депутатларидир. Халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайланган халқ хизматкорларининг 42 мингдан зиёдини хотин-қизлар ташкил этади.

Аёллардан 113 киши Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган, 40 мингдан кўпроқ киши ҳукуматимизнинг орден ва медаллари билан мукофотланган.

• • •

С. СОЛИЕВ: Касаба союзлари фабрика, завод маҳаллий комитетларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш комиссияси қай тарика ташкил этилади?

Жавоб: Меҳнатни муҳофаза қилиш комиссияси меҳнатга доир қонунларга, хавфсизлик техникаси ҳамда ишлаб чиқариш санитарияси қоидалари ва нормаларига риоя қилиш устидан назоратни амалга оширишда фабрика, завод маҳаллий комитетига ёрдам бериш учун тузилади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш комиссияси касаба союз аъзолари бўлган ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилардан тузилади. Комиссия аъзоларининг миқдорини фабрика, завод маҳаллий комитети корхонада, муассаса, ташкилотда ишловчиларнинг сонига қараб белгилайди. Комиссия составини фабрика, завод маҳаллий комитети тасдиқлайди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш комиссиясига фабрика, завод маҳаллий комитетининг аъзоси бошчилик қилади. Маъмурий ходимлар составида бўлган киши комиссия раиси бўлиши мумкин, эмас.

• • •

А. НОСИРОВ: Ишдан бўшаётган ходимга Меҳнат дафтарчасини бериш тартиби ҳақида маълумот берсангиз?

Жавоб: Ишчи ёки хизматчи ишдан бўшатилганда мазкур корхонада, муассаса, ташкилотда ишлаган бутун вақти мобайнида Меҳнат дафтарчасига ёзилган иши тўғрисидаги ҳамма ёзувлар, тақдирлаш ва мукофотлаш ҳақидаги ёзувлар раҳбар имзоси билан ҳамда корхона, муассаса, ташкилотнинг муҳри ёки кадрлар бўлимининг муҳри билан тасдиқланади.

Ишчи ёки хизматчи ишдан бўшаган куни маъмурият ишдан бўшатиш тўғрисида ёзув киритилган Меҳнат дафтарчасини унинг қўлига бериши лозим.

Ишчи ёки хизматчи вафот этган тақдирда Меҳнат дафтарчаси унинг яқин қариндошлари қўлига тилхат билан берилади ёки уларнинг талабига биноан почта орқали юборилади.

КУЧА ТАБДИЛЛАРГА ТУЛА

ГАИ АХБОРОТИ

99-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Рамз Одилов бахтсиз ҳодисадан осонгина қутилди. Унинг бурни пачақланди ва томоғи қирилди. Бу ҳодиса ёмон оқибат бериши мумкин эди. Рамз атрофидаги транспорт ҳаракатига эътибор бермай, тўхтаб турган троллейбус олдидан Ҳамза кўчасини югуриб кесиб ўтмоқчи бўлди. Шу пайт ГАЗ—24 маркали 55-13 ТШП автомобилини ҳайдаб келаётган Забихилла Раҳматуллаев ёш пиёдани ўз вақтида пайқади ва машинани тўхтатиб қолишга улгурди. Рамз эпкини билан келиб автомобилга урилди...

Тўхтаб турган автобуснинг фақат орқасидан ўтиш керак. Йўл қоидалари мажмуасида битилган бу сўзларни Рамз энди ҳеч қачон унутмаса керак.

• Ишчи мактуби

Иложи топилмаяпти

Бизнинг «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмамиз Бирликдаги янги, замонавий бинога кўчиб ўтганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Мазкур корхонада анчадан бери меҳнат қилиб келаётган бизнинг ишчилар Самарқанд дарвоза, Қўштут кўчаларидан ишга келамиз. Шу вақтгача бизларни корхонамиз машина билан таъминлар эди. Машина эрталаб олиб кетиб, кечки сменада ишлаганимизда эса, уйимизга олиб келиб қўярди. Ҳозир эса эрталаб машина умуман келмайдиган бўлиб қолди. Кечки сменадан кейин ҳам қўпинча аҳвол шу.

Бирлашмада биринчи сменя эрталаб соат 7 да бошланади, кечки смена 12 дан 10 минут ўтганда тугайди. Айниқса саҳарда Бирлик томонга автобуслар кам бўлади. Шу боисдан ҳозир ишчиларнинг кўпчилиги соат 7 га ишга етиб боришга қийналишяпти. Биз корхона директори, цех бошлиқлари, партия бюроси, касаба союз комитетининг раисига бу хусусда бир неча бор гапирдик. Улар корхонанинг машина учун ажратган фонди тугаганлигини баҳона қилишяпти.

Ундай бўлса ҳар бир ишчининг ойлигидан йўл ҳақини олиб, автобусга тўланса ҳам бўлади-ку, дегандик. Улар: «Бунинг иложи йўқ», деб жавоб беришди.

Билмадик, муаммони ҳал этишнинг иложи қачон топиларкин? Ахир, асосий қисми хотин-қизлардан иборат бўлган ишчиларнинг ишга кечикиб келиши план ва маҳбуриятларнинг бажарилишига салбий таъсир кўрсатаяпти-ку!

Ҳилола АҲМЕДОВА,
«Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчи-мотористкаси.



Ленин районидаги 72-алоқа бўлимининг почтальони Людмила Давидова ўзининг ҳалол меҳнати билан ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда. Коммунистик меҳнат зарбдорн ҳар куни ўз маршрутн бўйлаб уч марта хат ва хабарларни, газета ва журналларни етказиб беради. Самарали меҳнатн учун у бир неча марта мукофотланган.

СУРАТДА: илғор почтальон Людмила Давидова.

И. Ёқубов фотоси.

◆ ХАТЛАРИНГИЗНИ ШАРҲЛАЙМИЗ

СТРАХОВАНИЕГА ЭЪТИБОР ШУМИ?

«Ҳурмати редакция! Газеталарда одамларни, уй-жой, мол-мулкни страхование қилдириш тўғрисида эълонлар босилиб турган бир пайтда, Фрунзе район давлат страхование идораси хизматидан биз ранжияпмиз. Ўзимни страхование қилдиргаиман. Бир неча йиллардан буён ойига 17 сўм 72 тийиндан аъзолик бадали тўлаб келаман. Страхование идорасидагилар кейинги пайтда бир неча ойга бир йўла извешение юборадиган, иш жойимдаги бухгалтерлар маошимдан мўмай пул ушлаб қоладиган қилиқ чиқардилар...

Ж. ХАЙИТБОЕВ,
«Таштрансспецстрой» трести ишчиси.

Редакциядан: Ушбу хат юзасидан Ж. Хайитбоев ишлаётган «Таштрансспецстр о й» трести бухгалтериясига ҳамда Фрунзе район давлат страхование инспекциясига учраширилди.

Фрунзе район давлат страхование инспекцияси ишни маълум қиладики, дейлади инспекция бошлиги ўринбосари Р. А. Зейналов имзоси билан редакцияга юборилган жавоб ҳатида, «Таштрансспецстрой» трести ишчиси Ж. Хайитбоевнинг шикоят хати юзасидан текширув ўтказилганда, хатда келтирилган фактлар тасдиқланди. Масалан, ўтган йили апрелда Ж. Хайитбоевдан уч ойга 53 сўм 22 тийин ушлаб қолинган, Ж. Хайитбоевнинг иш жойи—«Таштрансспецстрой» трести бухгалтери И. Андельманнинг айтишича, у уч ойлик ўқишдан қайтгани ҳақида Давлат страхование инспекциясига хабар қилмаган. Шу тариқа аъзолик бадали тўланмай йиғилиб қолган...

Ана сизга важ-корсонлар. Аслида эса, трестга биркитиб қўйилган страхование агенти Т. И. Палютина ўз рўйхатига киритилган кишилар ҳақида маълумот тўплаши керак. Фрунзе район давлат страхованнеси инспекциясининг раҳбарлари бундай совуққонликка барҳам берилиши ҳақида тадбирчоралар кўришмагач, шикоят ёзилаверади-да!

«КАТТАБОҒ» ТАШВИШЛАРИ

— Ҳой дадаси, Адҳам ҳалиям дарсдан келмади-я? — деди Ҳалима хола ташвишланиб. Эри уни қойиб берди.

— Адҳам ёш болами? Еттинчи синфда ўқийдиган бола уйини топиб келолмайдими.

— Худди кўчамизни билмайдигандек гапирасиз. — деди Ҳалима хола қизиниб. — Ҳар куни болам дарсга кетганида юрагимни ҳовучлаб ўтираман. Машина-пашина уриб кетса нима бўлади деб кўнглим ҳалак.

Катта боғ кўчасида истиқомат қиладиган хонадонларда бундай гап-сўзларни эшитиш янглиг эмас. Чиндан ҳам улар дарсга кетган болаларидан хавотир олиб ўтиришади. Мана бир неча йилки, кўча ремонт қилинмайди. Кўп жойлари ўйдим-чуқур бўлиб кетган. Бунинг устига кўчада машиналар турна қатор ўтиб туради. Айниқса шу кўчадаги 6, 21, 36, 38-уйлар рўпараси, 56, 99, 125-уйлар атрофи вайрон бўлиб кетган. Бир неча йилдан буён ремонт қилинмаган бу йўлдан транспортлар қийналиб ўтади. Бундан ташқари кўча ниҳоятда тор. Кўп жойларда йўлканинг ўзи йўқ. Шундай экан мактаб ёки боғчага бораётган болалар кўчадан ўтишга мажбур бўляпти. Тор кўчада уларнинг юриши ота-оналарини қаттиқ ташвишга солиб қўйди.

«Каттабоғ» маҳалласида истиқомат қиладиганлар яна бир масалада қийналишмоқда. Бу ерда бирон-та ҳам автомат-телефон йўқ. Бирон зарурат бўлиб қолса, лўкиллаб Чорсу ёки Оқтепага боришга тўғри келади. Тўғри, маҳаллага телефон линиялари ўтказилган. Аммо нима учундир автомат ўрнатилмаган. Мана шу масалаларнинг ҳаммаси маҳалла аҳлини ташвишга соляпти. Бу ҳақда газетхон М. Ҳакимов шикоят ёзиб юборибди. Октябрь район ободонлаштириш бошқармасидаги ўртоқлар шу масалаларни ўйлаб кўришса ёмон бўлмасди.

ҲУШЕРБЕК.

БИР КОРХОНА ЯНГИЛИКЛАРИ

НИШОНДОР МАТБААЧИ

Нина Александровна Бекшованн қоғоз фабрикасида танимайдиган киши йўқ. У ёшлар мураббийси ва моҳир мутахассисдир. Н. Бекшова кўп йиллардан буён кенг истеъмол буюмлари цехига раҳбарлик қилиб келмоқда.

Нина Александровна янглик жонкуяридир. Унинг ижодий изланиши ва ташаббускорлиги корхона юксалишига муносиб улуш бўлиб қўшилмоқда. Н. А. Бекшова яқинда фабрика мутахассислари билан ҳамкорликда 18 варақли дафтар тайёрлашнинг янги технологиясини ишлаб чиқаришга жорий этди. Бундан корхона катта иқтисодий наф кўрмоқда.

Н. Бекшова яқинда бу янгилиги учун Бутуниттифоқ Халқ Хўжалиги Ютуқлари виставкасининг бронза медали билан тақдирланди.

ОЛИМПИАДА БЕЛГИСИ БИЛАН

Фабрика коллективи «Олимпиада—80» белгиси қўйилган ён дафтар ишлаб чиқара бошлади. Чкройли ва ихчам ишланган бу янги маҳсулот спортчилар ва спорт мухлислари учун муносиб туҳфадир.

Корхонада яна уч хил янги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Булар адрес папкаси, ўқувчилар дафтари ва кўп варақли дафтарлардир. Янги маҳсулотларнинг дастлабки туркуми савдо тармоқларига жўнатилди.

Б. НОСИРОВ,
ишчи.

Ҳамкуласиз, куясиз

СУВ—ТЕКИН ЭМАС

Кунлардан бирида Шавкатжон эшикдан ҳовлиқиб кириб қолди:

— Суюнчи беринглар, уйимизнинг рўпарасида фонтан очилибди.

Ҳаммалари янги фонтанни томоша қилгани югуриб чиқишди. Йўқ, фонтан эмас водопровод бузилиб, сув осмон-фалакка отилиб ётган экан.

— Чатоқ бўпти, — деди Шавкатжоннинг дадаси. — Сувнинг бунақа оқиб ётиши инсофдан эмас.

Қўни-қўшнилар келишиб «Водоканал» вакилларига мурожаат қилишди.

— Уйимизнинг рўпарасида сув отилиб ётибди. Шуни бир ёқлик қилмасанглар «сунъий булоқ» пайдо бўладиганга ўхшайди.

— Минг раҳмат! — дейишди «Водоканал» ходимлари. — Халқ мулкига ғамхўрлик қилганларинг учун миннатдормиз.

Улар сўзларининг устидан чиқишди. Ремонтчи слесарлар кечишиб бузилган водопровод қувурининг у ёқ-бу ёғини титкилашди. Алланималар қилишди, кейин жўнаб кетишди.

Аҳоли вакиллари ташвишга тушиб қолишди.

— Сув тўхтамади-ку?

— Тўхтайди, биз айтсак тўхтайди, — дейишди слесарлар. Шу кетганича бутунлай йўқ бўлиб кетишди. Мана, бир йилдан буён Археологическая кўчаси билан Циолковский кўчаси кесишган жойда, 17-уй рўпарасида водопровод сувн мутассил оқиб ётибди. Шуннигдек, Прогрессивная кўчасидаги 57-уй олдида, Нижегородская кўчасидаги 72-уй рўпарасида, Ангрен кўчасидаги 75-уй олдида, Марказий статистика бошқармаси биносининг шундоққина рўпарасида бузуқ водопроводлардан сув отилиб ётибди.

«Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ» деганлари шу экан-да, деб ёзишибди слесарлар. Шу кетганича бутунлай йўқ бўлиб кетишди. Мана, бир йилдан буён Археологическая кўчаси билан Циолковский кўчаси кесишган жойда, 17-уй рўпарасида водопровод сувн мутассил оқиб ётибди. Шуннигдек, Прогрессивная кўчасидаги 57-уй олдида, Нижегородская кўчасидаги 72-уй рўпарасида, Ангрен кўчасидаги 75-уй олдида, Марказий статистика бошқармаси биносининг шундоққина рўпарасида бузуқ водопроводлардан сув отилиб ётибди.

«Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ» деганлари шу экан-да, деб ёзишибди слесарлар. Шу кетганича бутунлай йўқ бўлиб кетишди. Мана, бир йилдан буён Археологическая кўчаси билан Циолковский кўчаси кесишган жойда, 17-уй рўпарасида водопровод сувн мутассил оқиб ётибди. Шуннигдек, Прогрессивная кўчасидаги 57-уй олдида,

Бугун—Матбуот куни

«Думалоқ стол» атрофида

БОШ ЙЎНАЛИШДА

Ўнинчи беш йиллик— сифат ва самарадорлик беш йиллигида социалистик мусобақани ташкил этиш, уни тартиб этишга нисбатан юксак талаблар илгари сурилади. Шу муносабат билан журналистлар олдида масъулиятли ва улкан вазифалар турибди. Улар социалистик мусобақанинг меҳнаткашлар ижодий активлигини ривожлантириш, энг юксак меҳнат унумдорлигига, маҳсулот сифатининг яхшиланишига, моддий ҳаражатларни камайтиришга эришишнинг воситаси сифатидаги моҳиятини чуқур очиб беришлари, қимматли ватанпарварлик ташаббусларининг ижодкорларини, ўз ишининг жонкуярларини кенг ёритишлари лозим.

Редакция кўп нусхали газеталарнинг бир группа журналистларини «Думалоқ стол» атрофига таклиф этиб, завод матбуоти социалистик мусобақани қандай ёритаётганлиги, бу соҳада қандай ибратли, диққатга сазовор янгиликлар борлиги ҳақида ҳикоя қилиб беришни илтимос қилди.



Виталий АПАСОВ, «Тўқимачилар овози» (Тошкент тўқимачилик комбинати) газетасининг мухбири:

— Ушбу ишнинг энг муҳим томонларидан бири мусобақага партия раҳбарлигининг услуб ва методларини, партия группалари имкониятларини, уларнинг ташаббусларини, коммунистларнинг шахсий иштирокини кўрсатишдан иборат. Менинг назаримда бу ўринда газетанинг «Коммунистлар ҳақида ҳикоялар» рубрикаси остида босиладиган мақолалари айниқса қимматлидир. Ушбу материалларда партия группаларининг, айрим меҳнатчиларнинг иш тажрибалари очиб берилади.

Масалан, яқинда газетхонларимиз 2-фабриканинг йигирувчиси, район Советининг депутати Л. Капралова ҳақида ҳикоя қилувчи лавҳа билан танишдилар. Унда партия ташкилотининг раҳбарлиги, шахсий намуна кўрсатиши цехнинг барча коммунистлари ёшларга устозлик қила бошлашига, дастгоҳларга хизмат кўрсатиш зонасининг кенгайтирилишига ёрдам бергани ҳақида батафсил ҳикоя қилинди. Натижада қолоқ коллектив илғорлар сафидан ўрин олди. Масалан, мастер Г. Сердцева ҳақидаги очеркни олайлик. Тўртдан уч қисмини ёшлар ташкил этадиган ушбу сменада қолоқлар йўқ. Бу тажриба барча тўқимачиларнинг мулки бўлиб қолди.

Кўп нусхали газеталар илғор коллективлар ҳақида кўп ёзишади. Л. Хегай бошлиқ бригада ҳам эътибордан четда қолгани йўқ. Газетадаги мақолани ўқиган йигирувчилар ўзларига нисбатан талабчанликни кескин оширишди. Шу билан бирга газетадаги мақола бригаданинг янги ташаббус билан чиқишига ўзига хос туртки бўлди. Улар Улуғ Октябрининг 60 йиллигигача икки ярим йиллик топшириқни бажаришга аҳд қилдилар.

Комбинат партия комитети ташаббусни маъқуллади, кўп нусхали газета эса комсомол-ёшлар бригадасининг издошлари ҳақида изчиллик билан ҳикоя қилиб борди.

Алевтин ГРЕКОВ, «Машинострои т е л ь» («Таштекстильмаш» заводи) газетасининг мухбири.

— Мусобақага ҳар хил позициядан ёндошиш, яъни унинг барча қирраларини ёритиш осон эмас. Шундай бўлса ҳам бу соҳада биз маълум ютуқларга эришяпмиз. Масалан, меҳнат белгашувининг бориши устидан назорат масаласини олиб кўрайлик. Ахир вақти-вақти билан мусобақа якунларини эълон қилиб боришнинг ўзи етарли эмас. Мусобақани ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Бир мисол келтираман. Йил бошида 3-механика цехида Акбар Ботиров бошлиқ комплекс комсомол-ёшлар бригадаси ташкил этилган эди. Коллективга меҳнатсевар йигитлар йиғилишди. улар ўз мажбуриятларини шараф билан бажаришларига ишониш мумкин эди. Аммо орадан бир ой ўтгач. редакцияга ташвишли хабар келди: участкага иш етарли ажратилмаяпти. Кўп нусхали газетамиз ходимига аҳволни аниқлаш топширилди. Газетада унинг цех бир меъёрда ишламаётгани ҳақида ҳикоя қилувчи мақоласи босиб чиқарилди. «Машиностроитель» газетасидаги ушбу мақоладан сўнг цех раҳбарлари мавжуд камчиликларни қисқа вақтда тугатиш чораларини кўришди.

Вячеслав ДРАЧЕВ, «Фрунзевец» («Узбекгельмаш» бирлашмаси) газетасининг редактори:

—Редакциямиз фаолиятининг асосий йўналишларидан бири машинасозлар ўртасидаги социалистик мусобақа тажрибаларини жамлашдан иборат: мусобақа қаерда яхши йўлга қўйилгани, қаерда ёмон йўлга қўйилгани ҳақида ҳикоя қилишга ҳаракат қиламиз. Бир йўла мусобақанинг бориши устидан назорат ҳам амалга оширилади. Рейдлар ана шундай иш формаларидан биридир. Сўнгги рейдлардан бири «Мусобақа самарадорлиги учун» шиори остида биринчи цехда ўтказилди. Редакция уни «Комсомол прожектори» ҳамда «Меҳнат ва иш ҳақи бўлими» билан биргаликда ўтказди. Бизни шахсий социалистик мажбуриятлар н и н г мазмуни мусобақанинг ошкоралиги, таъсирчанлиги қизиқтирди. Натижада айрим мажбуриятлар — конкрет эмаслиги маълум бўлди. Рейд давомида биз кўпгина ишчилар билан суҳбатлашдик. Қуйида мен токарь В. Добрининнинг фикрини баён этаман:

— Цехдаги икки ўртоғим билан мусобақалашаман,— дейди у. — биз ҳар куни ким олдиндаю, ким орқасётганлигини билишни истар эдик. Беллашувнинг бориши ҳақидаги кундалик ахборот кандай маънавий омил бўлишини кўз олдингга келтирасизми? Рейд қатнашчилари албатта бир қатор ижобий мисолларни ҳам қайд этишди. Аммо газетанинг маълум танқид бўлган мақоласи цехдаги аҳволни яхшилашга сўзсиз таъсир этди.

Исмоил ҚОРАТОЕВ, «Таштекстильмаш» заводи автоматчиси, темирчилик пресслаш цехидаги «Темирчи» деворий газетасининг редактори:

— Гап мусобақанинг бориши устидан назорат ҳақида борар экан, газетанинг чиқишига ҳам эътиборни қаратиш керак. Бу ўринда мен ўзимизнинг деворий газетамиз тажрибасидан мисол келтирмоқчиман. Менимча унинг имкониятлари жуда катта. Бир пайтлар ҳунар-техника билим юртини битириб келган ёш ишчилар ўз вазифаларига сидқидилдан муносабатда бўлмаётганликлари ҳақида ёзган эдим. Йигитлар аввалига хафа бўлишди, кейинчалик эса аҳволни қандай қилиб тузатиш тўғрисида биргаликда бош қотиришди. Деворий газетанинг барча мақолалари акс-садоси қолмайди. Чунки цехда ҳамма у билан танишиб чиқади. Танқид қилинган одам дўстларининг олдида қандай бош кўтариб юради. Қўшимча қилмоқчиман, кўпинча мусобақанинг сифат кўрсаткичларига эътибор беришга тўғри келади. Деворий газета редколлегияси баъзи ишчилардан «Ким билан мусобақалашаётганингизни биласизми?» деган саволга жавоб беришни илтимос қилди. Ана шунда айрим ишчилар аниқ жавоб қайтаришолмади. Демак, мусобақа шунчаки. юзаки ташкил этилган экан. Газета ёрдамга келди.

В. Драчев: — «Машиностроитель» газетасидаги ҳамкасбим мусобақани идеологик ва ташкилий таъминлашнинг муҳимлиги ҳақида гапирди. Мен бу ўринда журналистларнинг тутган ўрни ҳам актив бўлиши керак, деб қўшимча қилмоқчиман. Кўпинча биз фалончи ташаббус билан чиқди, топшириқни муваффақиятли бажарди, нормасини ортиғи билан адо этди, деб юзаки ёзамиз. Қаҳрамонларни маълум қилиш яхши иш. Фақат журналист шу билан чекланиши лозимми? Чунки мусобақа қатнашчиси унинг боришига ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Одамлар фаолиятининг ахлоқий омилларини кўра билиш, уларни очиб бериш, мисол қилиб кўрсатиш, газетачини кўпроқ қизиқтириши лозим.

Бир куни редакцияга 3-цех электр пайвандчиси А. Шур кириб келди. У биринчилардан бўлиб, бир бош йилликдан икки бош йиллик топшириқларини бажариш мажбуриятини олган эди. Илғор ишчи ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш имкониятлари мавжудлигини яхши биларди. Бунинг учун пайвандчиларни газ билан марказлашган усулда таъминлаш лозим эди. Газета шу ҳақда ёзди.

Орадан кўп ўтмай, редакция бош инженерининг ўринбосари А. Байковдан жавоб олди. У ишчининг таклифи ўринли эканлиги, пайвандлаш постларини газ билан марказлашган усулда таъминлаш пункти ташкил этилишини хабар қилди.

5-цех токари М. Ҳидоятов редакцияга мақола ёзиб, заготовкалар етказиб беришни яхшилашни, сифатини оширишни талаб қилган эди. Бу коллектив меҳнатининг самарасида ўз ифодасини топди.

В. Апасов: — Кўп нусхали газета мусобақа тажрибаси ҳақида ҳикоя қилар экан, бошқа газеталардан афзалроқ шароитга эга. Сабаби биз ишлаб чиқаришга яқинроқмиз. Мақолалар, репортажлар қаҳрамонлари билан ҳар куни учрашамиз. Шундай экан, бу имкониятдан биз тўлароқ фойдаланишимиз лозим.

«Тўқимачилар овози» кўпстанокчилар мусобақасини азалдан батафсил ёритиб келади. Ҳозир у айниқса яхши ёритилмоқда. Ҳар ойда газета ушбу ҳаракат карвонбошиларининг меҳнат натижалари жадвали билан бирга корхона, партия ва касаба союз ташкилотлари раҳбарларининг шарҳларини бериб боради. Бундан ташқари редакция ходимлари уларнинг тажрибалари ҳақида, қандай қилиб юксак натижаларга эришаётганликлари ҳақида ҳикоя қилишади. Масалан, бу йил газета тўрт йиллик топшириқни бажариб қўйган Н. Ершова, В. Солдатова ва Л. Герасимовалларнинг муваффақияти ҳақида ҳикоя қилиб берди.

«Думалоқ стол» қатнашчиларининг табиийки, газетачилар фаолиятининг асосий йўналиши билан боғлиқ проблемаларнинг бир қисми устида тўхталдилар. Ҳаёт социалистик мусобақани ёритишнинг янги пропагандистик ва ташкилотчилик формаларини вужудга келтирмоқда. Ишнинг сифат кўрсаткичига, иқтисодий масалаларни ишлаб чиқишга, янги техникани жорий этишга мусобақанинг оммавийлигини ва шартномалар билан мустаҳкамланишига эътиборни кучайтириш завод матбуоти ходимларининг қўлидан келади. Уларга улкан жиддий муваффақиятлар тилаймиз, коллективларининг ишлаб чиқариш муваффақиятларига эришишларида узлуксиз қизиқиш ёр бўлишини истар эдик.

Суҳбатни **В. Арсентьев** олиб борди.

РАҚАМЛАР ТИЛИ БИЛАН

СССР Марказий статистика бошқармаси тайёрлаган «СССР 1977 йилги рақамларда» деган қисқача статистика тўпламни босмадан чиқди.

«Статистика» нашриётида чоп этилган тўпламга 1977 йилда халқ хўжалигининг ривожланиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек 1913, 1917, 1940, 1970, 1975 йиллар ва бошқа йиллар билан таққосланган маълумотлар киритилган.

СССРга оид маълумотлар билан бир қаторда бошқа социалистик мамлакатлар экономикаси ва маданиятининг ривожланганлигини кўрсатувчи баъзи бир маълумотлар ҳам берилган. Бир қанча кўрсаткичлар бўйича АҚШ ва бошқа капиталистик мамлакатлар билан таққослаб кўрсатилган маълумотлар ҳам бор.

(ТАСС).

РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ

ТРУБКАНИ ИЛМАЙ ТУРИБ...

Фарғонада шаҳарлараро автомат телефон станцияси ишга туширилди. Энди область марказининг аҳолиси трубкани илмай туриб Тошкент, Чирчиқ, Марғилон ва Узбекистоннинг бошқа шаҳарларидаги абонент эгалари билан гаплашишлари учун шартли код ва керакли номерни теришнинг ўзи кифоя. Маҳаллий алоқа ходимлари томонидан монтаж қилинган автомат курилма ҳозир фарғоналикларга телефонистларнинг хизматидан фойдаланмаган ҳолда республиканинг олти шаҳри билан боғланиш имконини бермоқда.

СИРДАРЁ СОҲИЛИДА ДАМ ОЛИШ ЗОНАСИ

Область электр тармоқлари корхонасининг дам олиш зонаси қурилиши Сирдарё соҳилида бошлаб юборилди. Бу ерда бир нечта коттежлар ва меҳмонхона барпо этилади. Дам олувчилар хизматига спорт шаҳарчаси ва қайиқ станциясини қуриш мўлжалланган. Қийматги 1,2 миллион сўмдан кўпроқ турадиган комплекс йил давомида дам олувчилар хизматида бўлиши кўзда тутилган. Уни 1980 йилда фойдаланишга топшириш белгиланган. Сирдарё соҳилида Янгиер қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинатининг ҳамда Гулистондаги ремонт-механика тажриба заводининг ҳодимлари учун ҳам шаҳардан ташқарида дам олиш зоналари барпо этилмоқда.

ФАКУЛЬТЕТ ПЕДИАТРЛАР ТАЙЁРЛАБ ЧИҚАРАДИ

Ўрта Осиёдаги энг катта ўқув ва илмий-медицина маркази — Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида педиатрия факультети очилди. Бу ерда ҳар йили 3 мингдан ошиқ медик малакасини оширади, янги ихтисосликларни эгаллайди.

Педиатрия факультети институтнинг тўртинчи факультетидир. Ҳар йили бу ерда 140—150 болалар врачи таълим курсидан ўтадилар.

(ЎзТАГ).

САМБО КУРАШИ БЎЙИЧА X БУТУНИТТИФОҚ ТУРНИРИ

ТОШКЕНТ

ОМАДЁР БЎЛСИН, САМБОЧИЛАР!

- АНЪАНАВИЙ ЎНИНЧИ ТУРНИР АРАФАСИДА
- ТОШКЕНТ ГИЛАМИДА МАМЛАКАТИМИЗНИНГ 50 ШАҲРИ ВАКИЛЛАРИ БЕЛЛАШАДИЛАР
- СПОРТ МАҲОРАТИ САРИ ЯНА БИР БОСҚИЧ

Эртага «Ёшлик» спорт аренасида, «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг соврини учун самбо бўйича анъанавий X Бутуниттифоқ турнири бошланади.

Жасурлик ва чаққонликни ўзида мужассамлантирган бу спорт турининг ихлосмандлари бу сафар Ўзбекистон пойтахтига ўнинчи марта ташриф буюришади.

Энди 1969 йили турнир қандай бошланганига бир назар ташлайлик. Самбочилар биринчи марта Округ офицерлар уйининг ёзги театри биносида ва армия спорт клубининг спорт майдончасида тўшалган гиламлар устида ўзаро куч синашдилар. Беллашувлар шахсий-команда характерига эга бўлиб, «Вечерний Ташкент» кубоги учун бўлган беллашувлар ниҳоятда кескин ва шиддатли ўтди. Бу кубок кўнгилли спорт жамиятларининг энг яхши курашчилар группасига тақдим этилар эди. Биринчи турнирга мамлакатимизнинг 16 шаҳридан 24 команда ва 189 курашчи келди. Бу турнирда республикамиз спортчилари кўпчилик составда қатнашган эди.

Уша вақтда самбо кураши Тошкентдаги «Динамо» кўнгилли спорт жамиятининг қуйи ташкилотларида оммалашиб бораётган эди. Шу боисдан ҳам бу жамият спортчилари кубокни қўлга киритишга муваффақ бўлишди. Шахсий ҳисобда тошкентликлардан Х. Рўзиқулов, У. Жуманиёзов, А. Белоусов, И. Бадалов, П. Смирновлар ўз вазн-тоифаларида ғолиб чиқиб, фахрий шоҳсупанинг энг юқорисига кўтарилишди.

Энди яна рақамларга мурожаат қилайлик. Орадан бир йил ўтганидан кейин «Тошкент оқшоми» соврини учун 30 шаҳардан келган 50 команда кураш олиб борди. Уларнинг составида 50 спорт мастери, 90 мастерликка кандидат, 180 биринчи разрядли спортчи бор эди. Айрим вазн-тоифаларида бўлган беллашувларда 50 га яқин самбочи қатнашган. Бу сафар ҳам Тошкентнинг «Динамо» командаси оғир кураш йўлини муваффақиятли босиб ўтди. Бу команда 1971 йилда ҳам турнир ғолиби бўлди.

«

41 СССР ЧЕМПИОНАТИ

ИМКОНИЯТЛАР КЎП БЎЛДИ

«Пахтакор»—«Арарат»—2:0

«Пахтакор»нинг кейинги уч учрашувда мағлубиятга учраганлиги футбол мухлисларини ташвишга солиб қўйган эди. Тўғри ўзбекистонлик футболчилар Ленинград ва Олмаота шаҳарларидаги учрашувларда рақиблари дарвозасига олти тўп киритишга муваффақ бўлишди. Фақат бу учрашувларда командининг ҳимоя чизигида ҳаракат қилувчи ўйинчилар жуда кўп хатоларга йўл қўйишди. Бунинг сабаби нимада? Ҳар жиҳатдан тенг бўлган команда билан бўлган учрашувларда улар қачонгача мағлубиятга учрашади?

Май байрами кунларида республикамиз пойтахтидаги Марказий «Пахтакор» стадионида «Арарат» командаси билан бўлган учрашув бу саволларга жавоб бериши керак эди. Айтиш керакки, ўйин бошланиши биланоқ ташаббус майдон эгаларида эканлиги кўзга яққол ташланиб турди. Меҳмонлар ҳужумда икки ўйинчини қолдириб, асосан ҳимояга эътибор бераётганликлари сезилиб турарди. Улар қулай имконият вужудга келган тақдирда мезбонларнинг ҳимоячилари хатосидан фойдаланиб, кескин ҳужумга ўтиш тактикасини белгилашган эди. Меҳмонларнинг икки ҳужумчисидан бири— Хачатрян «Пахтакор»нинг марказий ҳимоячиларига яқин ҳаракат қилиб турган бир тақдирда Касабогли чап қанот бўйлаб қулай вазиятга чиқиб ола бошлади. Ўйиннинг бошларидаёқ меҳмонларнинг уюштирган шиддатли ҳужуми дарвозани забт этишгача имкон яратди. Фақат Касабогланнинг хатоси туфайлигина дарвоза аниқ нишонга олинмади.

Пахтакорчилар томонидан кетма-кет уюштирилган ҳужумлар натижасиз кетмади. Айниқса 11-минутдаги ҳужум самарали бўлди. Бу ҳужумни уюштиришда Загуменних, Курнев, Чуркин ва Макаровлар иштирок этишди. Диққатга сазовари шундаки, ҳужум ниҳоятда тез уюштирилди. Ўта нозик вазиятда турган Макаров шеригини етказиб берган тўпини дарвозанинг ўнг бурчагига йўллашга эришди — 1:0.

Майдонда «Пахтакор»нинг тўла устунлиги сезилиб турган бўлишига қарамай улар биринчи таймда ҳисобни ўзгартира олишмади. Ҳужумчилар энг қулай вазиятларда ҳам дарвозани аниқ нишонга олодмадилар. Узоқдан жарима майдонига етказиб берилган тўпларни улар ўз вақтида эгаллаб, дарвозага нуллашга улгуришмасди. Айни пайтда «Пахтакор»нинг ҳимоячилари ойр неча марта қўпол хатоларга йўл қўйиб, рақиб команда ҳужумчиларининг жарима майдонига кириб, дарвозага тўп йўллашларига имкон бердилар.

Иккинчи таймда тренерларнинг кўрсатмаларига амал қилган пахтакорчилар майдонда янада аниқроқ ҳаракат қила бошлашди. Улар усталик билан ҳимояланишни шиддатли ҳужум уюштириш билан алмашлаб туришди. Меҳмонларнинг ҳар бир ўйинчисини ҳимоя қилиш усулига амал қилган пахтакорчилар ўз жарима майдонларига яқин бўлган жойда тўпни эгаллаб олиб, уни дарҳол ҳужумчиларга етказиб бериб туришди. Натижада меҳмонларнинг дарвозаси олдида кетма-кет хавфли вазиятлар вужудга келтирилди. Бир неча марта Фёдоров ва Чуркин дарвозабон билан яккама-якка чиқишди. Лекин улар шошиб қолганлари туфайли нишонга аниқ мўлжалга олишолмади. Шунга қарамасдан тошкентликларнинг 80-минутда уюштирган ҳужуми дарвозага тўп киритиш билан ниҳоясланди. Ўнг қанот бўйлаб бораётган Макаров тўпни Фёдоровга етказиб берди. У бошқа билан тўпни дарвозага йўллади — 2:0.

Шундай қилиб пахтакорчилар бу учрашувда рақиблари дарвозасига икки марта тўп киритиб, ўз активларига икки очко ёзиб қўйишди. Бешинчи турдан кейин «Пахтакор» турнир жадвалининг олтинчи поғонасига кўтарилди. Команда беш очко тўплаган Киев ва Москванинг «Динамо» командаларидан кейинги ўринда турибди. «Локомотив», «Черноморец», «Қайрат» командаларининг активида ҳам бештадан очко бор. Тошкентликлар тўплар нисбатига кўра бу командалардан олдинда турибди.

Рақиблар дарвозасига киритилган тўплар бўйича ҳозир пахтакорчилар пешқадамлик қилишмоқда. Улар беш учрашувда рақиб командаларининг дарвозасини ўн марта аниқ нишонга олишга муваффақ бўлишди. Жуда яхши кўрсаткич. Аммо улар ўз дарвозаларидан тўп ўтказиб юборишда ҳам биринчи ўринда боришяпти. Бу демак, тошкентликлар ҳимояга эътиборни кучайтиришлари зарурлигини кўрсатмоқда. Ҳимояда аниқ ва эпчиллик билан ҳаракат қилгандагина бу нуқсонга чек қўйиш мумкин.

Ўтган турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд қилинди: «Спартак»—«Динамо» (Москва)—1:2, «Днепр»—«Динамо» (Тбилиси)—0:1, «Локомотив» — «Торпедо»—0:0, «Черноморец»— «Шахтер»—1:0, «Нефтчи» — «Қайрат»—1:0, «Заря»— «Динамо» (Киев)—1:2, «Зенит»—МАСК —2:1.

Футбол бўйича 41-мамлакат биринчилигининг навбатдаги тур учрашувлари 9 май куни бўлади.

Э. АВАНЕСОВ.

«Пахтакор» ҳақида 15 фикр

«АРАРАТ» КОМАНДАСИНИНГ КАТТА ТРЕНЕРИ, ЎССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ТРЕНЕР, СПОРТ МАСТЕРИ Н. А. ГУЛЯЕВ.

«Пахтакор»нинг Ленинградда «Зенит» ва Олмаотада «Қайрат» командалари билан бўлган сафар учрашувларида мағлубиятга учраганлиги бизни сергаклантириб қўйган эди. Чунки пахтакорчилар ўз майдонларида аниқ ва тез ҳаракат қилишларини яхши билардик. Маълумки, пахтакорчилар сафарда икки учрашувни деярли тенг кураш остида ўтказаларда, барибир мағлубиятга учрашди. Улар бу икки учрашувда рақиблар дарвозасига олти марта тўп киритишга эришдилар. Ўз дарвозаларидан эса 8 марта тўп ўтказиб юборишди.

Бундай «арифметика» нимани кўрсатади? Шахсан тренер сифатида менга пахтакорчилар ҳужумда уюшқоқлик билан ўйнаши маълум бўлди. Ўйинларни таҳлил қилиш ва кузатиш давомида мен ўзбекистонлик футболчилар ҳаракатидаги эрта баҳорги камчиликлар барҳам топганлигини сездим. Улар ҳар сафар ҳужумни ҳар хил ниҳоясига етказишади. Ҳатто ҳужумда ҳимоячилар ҳам қатнашардилар. Ана шу кутилмаган вазиятлар рақиблар дарвозасининг олдида хавфли ҳолатларни вужудга келтиришга сабаб бўларди. Буни ўтган тўрт тур натижаси ҳам кўрсатиб турибди. Тошкентликлар тўрт учрашувда рақиблар дарвозасига саккиз марта тўп киритишга муваффақ бўлишди.

Тўғрисини айтганда, пахтакорчилар ўз дарвозаларидан ҳам энг кўп— тўққиз марта тўп ўтказиб юборишди. Бу командининг ҳимоя чизиғида ҳали камчиликлар бор эканлигини кўрсатиб турибди. Бу камчиликлар рақибларнинг ҳужумчиларига ёрдам беради. Биз худди шу нарсани назарга олиб, асосан кескин қарши ҳужумга ўтиш усулига амал қилдик. Шу нарса кўзга яққол ташландики, «Пахтакор»нинг ҳимоячилари озгина ҳавфни сезган пайтларида ҳам ўзаро ҳамкорликни йўқотиб қўйишади. Рақиб команда ўйинчиларининг ҳаракатини назорат қилишни эътибордан чиқаришади.

Лекин бизга пахтакорчиларнинг бундай хатоларидан фойдаланиш насиб бўлмади. Фақат биринчи ва иккинчи таймларнинг бошларидагина майдон эгалари хатоларга йўл қўйишди. Кейинчалик эса улар майдонда аниқ ҳаракат қила бошлашди. Шунинг учун ҳам бизнинг ҳужумчиларимиз дарвоза олдида деярли хавфли вазият вужудга келтира олишмади.

«Арарат» футболчилари эса йирик ҳисобда ютқазмаслик учун ўз дарвозалари олдида яхшилаб тер тўкишди. Командамизда асосан ёш ўйинчилар тўпланган, уларда ҳали тажриба етишмайди. Агар «Пахтакор» сўръатни бироз оширгандаёқ меҳмонлар тағин ҳам оғир аҳволга тушиб қолган бўлишарди. Аммо ўта иссиқ ҳавода ўйнаш пахтакорчиларга ҳам осон бўлмади, шекилли. Улар ҳар бир таймда дарвозага биттадан тўп киритиб, ўз активларига икки очко ёзиб қўйишга муваффақ бўлишди.

Пахтакорчилар менга, командининг ярим ҳимоя чизиғида ҳаракат қилаётган ўйинчилар маъқул бўлди.

Йил бўйи лимон

«Ўзсельхозтехника» Шаҳрисабз район бирлашмасининг лимонзорида эндигина узиб олинган 300 дан ортиқ катта-катта лимонларнинг ҳар бир донаси бир килограмм ва ундан ортиқ келади.

— Бир қисм дарахтларнинг ҳосилини орадан яна икки ҳафта ўтгач узиб оламиз.— деди лимонзор ходими, ҳаваскор боғбон Ф. Ёқубов.— Йил бўйи лимон пишиб тураверади.

Бу лимонзор—корхонанинг ўзига хос эксперименталь ёрдамчи хўжалигидир. Бу ерда лимоннинг учнави — республикала хизмат кўрсатган агроном Зайниддин Фахриддинов яратган Мейер, Юбилей, Тошкент навлари етиштирилмоқда. Лимонзорда йил бўйи узлуксиз мева етиштириш ташкил этилган — бир хил дарахт гуллаганида, иккинчи хили мева туга бошлайди, учинчи хилида эса катта-катта лимонлар пишиб етилади.

(ЎзТАГ).

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 5/V да **Севги ҳақида қисса** (билетлар сотилган). 6/V да **Концерт** (билетлар сотилган). 7/V да **Доктор Айболит** (12.00), **Пиковая дама** (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 5/V да **Келинлар қўзғолони**, 6/V да **Инқилоб тонги**, 7/V да **Қиёмат қарз**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 5/V **Она қизим**, 6/V да **Гулбаҳор қани?** 7/V да **Шаҳзода ва етим қиз**.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — МОСКВА ДАВЛАТ МУЗ УСТИДА ЦИРК АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ.

КИНО

5 МАЙДА

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ — **Қамал** (катта зал), **Хизматдош ошиқлар қиссаси** (кичик зал, кечқурун).

Туғилиш — «МОСКВА» (17, 20.00), ҲАМЗА номли (21.00), «НУКУС» (кечқурун).

Хизматдош ошиқлар қиссаси — «ЧАЙКА» (18.30).

6 МАЙДА

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ — **Қамал** (катта зал), **Хизматдош ошиқлар қиссаси** (кичик зал, кундуз ва кечқурун).

Туғилиш — «МОСКВА» (11, 14, 17, 20.00), ҲАМЗА НОМЛИ (11, 13.30, 14, 16.30, 21.00), «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

Хизматдош ошиқлар қиссаси — «ЧАЙКА» (11, 13.30, 16, 18.30).

Мўйловли энага, Томдан сапраш: — «ҚОЗОҒИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Мўйловли энага — ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ номли (12, 14, 16, 18, 20, 21.30).

Қувонч кўрфази — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

ЭЗГИ БИНОДА

Хизматдош ошиқлар қиссаси — «ФЕСТИВАЛЬ» (20.30).

ТОШКЕНТ АЛОҚА ЭЛЕКТРОТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

7 МАЙДА

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИНИ ЎТКАЗАДИ

Ўрта мактабларни битираётганлар таклиф қилинади.

Институт адреси: Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 108-уй (51, 60, 78-автобуслар, 2, 16, 25, 28, 29-трамвайларнинг «Ғалаба» боғи» бекати).

ТУРИЗМ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЎЙИЧА ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ

июнь, июль ва август ойларида

«МАРИЯ УЛЬЯНОВА» ва «МИХАИЛ КАЛИНИН» теплоходларида

САЁҲАТГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«НОВОСИБИРСК — САЛЕХАРД — НОВОСИБИРСК»

5 июндан 24 июнгача, 7 августдан 26 августгача «МИХАИЛ КАЛИНИН» теплоходида;

19 июндан 8 июлгача, 10 июндан 29 июлгача, 31 июлдан 19 августгача «МАРИЯ УЛЬЯНОВА» теплоходида.

«НОВОСИБИРСК — ТОБОЛЬСК — НОВОСИБИРСК»

29 майдан 17 июнгача, 21 августдан 9 сентябргача «МАРИЯ УЛЬЯНОВА» теплоходида;

26 июндан 15 июлгача, 17 июлдан 5 августгача, 28 августдан 16 сентябргача «МИХАИЛ КАЛИНИН» теплоходида.

БИТТА ПУТЕВКАНИНГ БАҲОСИ — **160 сўмдан 300 сўмгача.**

Путёвкаларни қуйидаги адресдан сотиб олиш мумкин: 700047, Тошкент шаҳри, Хоразм кўчаси, 31-уй. Телефонлар: 33-67-03, 33-10-55.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳунар-техника таълими давлат комитети

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН

171-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978— 1979 ўқув йилига

Қўйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Бўёқчилар, бўёқчи-альфрейшчиклар, сувоқчилар, қурувчи-дурадгорлар, электромонтажчилар, саноат ускуналарини тузатиш бўйича слесарлар, электр пайвандчилар, ғишт терувчи, монтажчилар, дурадгор-паркетчилар.

Ўқиш муддати— 1-2-3 йил.

Билим юртига 8— 10-синф ҳажмида маълумотли, 15 ва ундан катта ёшда бўлган йигит-қизлар қабул қилинади.

3 йиллик ўқишни тамомлаганларга ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат ва ҳунари бўйича аттестат берилади.

Ўқишга қабул қилинганлар уч маҳал иссиқ овқат, кийим-кечак ҳамда ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақи билан таъминланадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар ўрта ва олий ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан қабул қилинадилар.

Кириш ҳақидаги ариза директор номига ёзилиб, қўйидаги ҳужжатлар билан қўшиб топширилади: туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, соғлиғи ҳақида справка, 6 дона фотосурат (3х3 см.), турар жойидан справка, мактабдан характеристика, автобиография.

Ҳужжатлар соат 9.00 дан бошлаб қабул қилинади.

Билим юртининг адреси: 700081, Тошкент шаҳар-81, Домбробод кўчаси 74-уй (54, 33, 50, 84, 70, 34, 103, 80-автобусларнинг «16 поликлиника», 16-троллейбуснинг «Домбробод» бекатлари). Телефон: 77-49-53.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими давлат комитети

ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕБЕЛЬ САНОАТИ БОШҚАРМАСИ ҚОШИДАГИ

140-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978—1979 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ:—**кенг профилдаги ёғочсоз-станокчи** (ўқиш муддати — 1 йил), **дурадгор** (3 йил), **фанерчи** (1 йил), **пардозловчи** (1 йил), **ёғочсозлик ускуналарини созловчи** (3 йил), **прессчи** (1 йил), **бадиий ва моделли мебеллар дурадгорларини** (3 йил) тайёрлайди.

Билим юртига 8—10-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган 15 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинади.

3 йиллик ўқишни тамомлаганларга ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат ва ҳунари бўйича аттестат берилади.

Ўқувчилар кунига 3 маҳал бепул овқат, кийим-бош ва ишлаб чиқариш практикаси давридаги меҳнат ҳақининг бир қисми билан таъминланадилар.

БИЛИМ ЮРТИНИ АЪЛО БАҲОЛАР БИЛАН БИТИРГАНЛАР ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ИМТИЁЗЛИ РАВИШДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

140-ҳунар-техника билим юрти янги замонавий типда қурилган. Билим юрти қошида бадиий ҳаваскорлик тўгараги доим ишлаб туради. Янги типдаги спорт комплекси бор. Унда ҳар хил тўгараклар ишлайди (бокс, енгил атлетика, шахмат-шашка, футбол ва волейбол).

Областлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юрти директори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, турар жойидан справка, 3х4 см. ҳажмидаги 4 дона фотосурат, медицина справкаси.

Машғулотлар — 1 сентябрдан бошланади.

Ҳужжатлар соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳар, «Спутник» массиви, 4-квартал (58, 75-автобуслар, 15-троллейбуснинг «Билим юрти» бекати).

ЯНГИ УЗИЛГАН ҲЎЛ МЕВАЛАР ВА САБЗАВОТЛАРНИ ПОЧТА ПОСИЛКАЛАРИДА ЖЎНАТУВЧИЛАР

ДИҚҚАТИГА!

Почтада юбориладиган янги узилган ҳўл мевалар ва сабзавотларнинг йўлда уриниб қолмаслиги учун уларни посилка қутисига жойлаш ва жўнатиш қоидаларига риоя қилинг. Агарда улар ноўрин жойланса, натижада мевалар ва сабзавотлар ириб кетади.

Мевалар селинган посилкани жўнатишга тайёрлашдан аввал яқин атрофингиздаги алоқа бўлимидан ана шундай посилкани сиз юборадиган узоқдаги шаҳар ёки районга жўнатишга рухсат этиладими ёки йўқми, билиб олинг.

Мевалар ва сабзавотларни ҳамма ёғи берк бўлган ндишларга, шу жумладан полиэтиленли қопчаларга, шунингдек картонли қутиларда жўнатманг.

Уларни юбориш учун тешиклари бўлган яшиклар, корзиналар, фанерли (ёғочли) яшиклардан фойдаланинг. Уларнинг орасидан албатта ҳаво кириб туриши зарур.

Битта посилкада меваларни сабзавотлар билан аралаштирманг, ёки бошқа ноз-неъматлар билан, шунингдек саноат моллари билан қўшиб юборманг.

Қаттиқ мевалар тагига юмшоқ меваларни жойлаштирманг.

Бундай қоидага риоя қилмаслик, шунингдек, эзилган ва сасиган меваларни қўшиб юбориш бутун посилкани иритиб юборади.

Ўриклар, шафтолилар, олхўрилар, олчалар, тоғолчалар ва тез айниб қолувчи мевалар ва ягодкалар жўнатиш учун қабул қилинмайди.

Янги узилган ҳўл мевалар ва сабзавотлар солинган посилкалар «сўраб олингунча» деб ёзилган бўлса, улар почта (абонементли) яшиклар, дала почтаси, «бозор», дарё ва денгиз кемалари учун қабул қилинмайди.

Пишиб етилмаган помидорларни посилкага зичлаб жойланмаган бўлса ва йўлда 2 суткадан ортиқ вақт юрмайдиган бўлса қабул қилинади.

Посилканинг адрес ёзилган юзасида ва кузатувчи адресида адресатнинг телефон номери ёзилиши лозим.

Барча янги узилган ҳўл мевалар ва сабзавотлар посилкаларни қимматсиз қабул қилинади.

Жўнатувчининг посилкани жойлаш қоидаларига риоя қилмаслиги сабабли ириб қолган посилкалар учун алоқа органлари моддий масъулиятни ўз зиммасига олмайди.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПОЧТА АЛОҚАСИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТЕХНИКА БОШҚАРМАСИ.

ХУСУСИЙ УЙЛАРДА АЛАНГА ҚУРУМИ МЎРҚОНЛАРДАН ЧИҚАДИГАН ГАЗ АСБОБЛАРИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ ГРАЖДАНЛАР

ДИҚҚАТИГА

«ТАШГАЗ» шаҳар ишлаб чиқариш бирлашмаси 1978—79 йилги иситиш мавсумига тайёргарлик кўриш муносабати билан

ГАЗ АСБОБЛАРИНИНГ МЎРКОНЛАРИ ВА ВЕНТИЛЯЦИЯ КАНАЛЛАРИ ОММАВИЙ ТЕКШИРУВДАН ЎТКАЗИЛИШИНИ

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Оммавий текширув ишларини Тошкент шаҳар кўнгилли ёнғин муҳофазаси жамиятининг печкачи-мўрқон тозаловчилари Ленин, Октябрь, Акмал Икромов, Куйбишев, Чилонзор районлари бўйича, Тошкент хўжалик ҳисобидаги маиший қурилиш-ремонт участкасининг ходимлари эса Киров, Сергели, Фрунзе ва Собир Раҳимов районлари бўйича тартибли равишда олиб борадилар.

Мўрконларни текшириш, профилактика ва ремонт масалалари ҳақида ўз турар жойингиз бўйича район газ идораларига, шунингдек Тошкент шаҳар кўнгилли ёнғин муҳофазаси жамиятига — Тошкент шаҳри, Красновосточная кўчаси, 114-уйга, Тошкент хўжалик ҳисобидаги маиший қурилиш-ремонт участкасига — Тошкент шаҳри, Алиев, кўчаси, 72-уйга мурожаат этиш мумкин.

Мўрконларнинг ишга яроқли эканлиги ҳақидаги актлар район газ идораларига ўз вақтида тақдим этилмаса район-эксплуатация хизмати ходимлари 1978 йилнинг 1 октябридан кейин аланга қурими мўрконлардан чиқадиган газ асбобларини узиб қўядилар.

«ТАШГАЗ» БИРЛАШМАСИ,
ТошгазДПО
«ТАШРЕМСТРОЙБИТ» хўжалик ҳисобидаги участкаси.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ ВА ИНФОРМАЦИЯ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«ТАШЛИМВОДТОРГ» САВДО БОШҚАРМАСИГА

уй бекаларини бир ойлик курсни ўқиб чиқиш билан музқаймоқ ва совуқ ичимликлар сотувчилари бўлиб ишлашга.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»НИНГ 153-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИГА

ғишт терувчилар, дурадгорлар, сувоқчилар, бўёқчилар, бетончилар, дипломли пайвандловчилар.

Елғиз кишиларга ётоқхонадан жой берилади.

2-ТОШКЕНТ ПОЙАФЗАЛ ФАБРИКАСИГА

пойафзалларни тикувчилар, заготовкачилар, ёрдамчи ишчилар.

Елғиз кишиларга ётоқхонадан жой берилади.
Корхонага хизмат автобуси қатнайди.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»НИНГ 2-ТОШКЕНТ УЙСОЗЛИК КОМБИНАТИГА.

монтажчилар, бўёқчилар, сувоқчилар, электр пайвандловчилар, бетончилар.

Елғиз кишиларга ётоқхонадан жой берилади.

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИГА

йигирувчилар, тўқувчилар, съёмшчиклар, ростловчилар, пилталовчилар, таровчилар, калаваловчилар, ўровчилар, тўқимачилик ва йигирув корхоналари мастерларининг ёрдамчилари, электр монтёрлар.

Елғиз кишиларга ётоқхонадан жой берилади.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри. Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.— Аҳолини ишга жойлаштириш бўйича марказий пункт ва район пунктлари.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

5 МАЙ — ЖУМА

МАТБУОТ КУНИ

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.45 «Қувноқ стартлар». 18.30 Янгиликлар. 18.40 «Бугун — матбуот куни». 19.10 Кёльн камер оркестри чалади. 19.25 «Буюк жасорат». Ҳужжатли фильм. Карл Маркс туғилган кунининг 160 йиллигига. 19.45 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. ЧССР—Канада терма командалари. Прагадан олиб кўрсатилади. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.15 «Қўшиқ бизга ҳамиша ҳамроҳ». Ёш ижрочиларнинг Бутуниттифоқ телевизион конкурси. 23.15 «Классик па-де-де». Фильм-балет премьераси. Кўрсатув тугагач — Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Дилли Далли Мурқин паркда». Болалар учун мультфильм. 18.10 «Илмий коммунизм асослари». Карл Маркс туғилган кунининг 160 йиллигига. 18.30 «Половец рақслари». Телевизион фильм-концерт. 18.45 «Партиявий халқчил». Матбуот кунига бағишланган кўрсатув. 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Оламга саёҳат». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Матбуот ходимлари учун концерт. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.15 «Ғўза парваришини сифатли ўтказайлик». 22.30 «Телевидение экранида биринчи марта». «Чоллар учун ярмак». Кинокомедия. 23.45 Кўрсатувлар программаси.

6 МАЙ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.50 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.10 «Қувноқ стартлар». 10.55 «Буюк жанговарлар». Вадиий фильм. 12.25 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 13.35 «Бу менинг қишлоғим». Телевизион ҳужжатли фильм. 16.00 «Рус гили». 16.30 «Объектив». 17.00 «Ёзувчи билан учрашув». М. Алексеев (туғилган кунининг 80 йиллигига). 17.45 «Халқ оҳанглари». Концерт. 18.00 «Менинг азиз Ватаним». Болалар расмлари телевизион конкурсининг якуни. 18.30 Янгиликлар. 18.40 Қизил байроқли Тинч океан флоти ашула ва рақс ансамблининг концерти. Бадиий раҳбар ва дирижер — Е. Казановский. Владивостокдан олиб кўрсатилади. 19.10 Радио кунига. «Москва, Ҳақиқат ва гинчлик овози». 19.40 «Спортлото» тиражи. 19.50 «Балли, қизлар» 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.15 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. СССР—ЧССР терма командалари. Прагадан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Бола бошидан...» (рус.). 12.10 Ота-оналар учун консультация. 12.40 Х. Абдурасулев. «Сўнгги беринг, одамлар». Ҳамза номли Қўқон драма театрининг спектакли. 14.10 «Сиҳат-саломатлик». Илмий-оммабоп программа. 17.35 Кўрсатувлар программаси. 17.40 «Куни билан телевизор кўрган бойўғли». Болалар учун мультфильм. 17.45 Мактаб ўқувчилари учун концерт. 18.45 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.00 Радио кунига бағишланган концерт. Алишер Навоий номли Ўзбек давлат катта академик опера ва балет театридан олиб кўрсатилади. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Ортиқ Отажонов куйлайди. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.15 «Озуқа — чорвачиликни ривожлантиришнинг муҳим резерви». 22.30 Телевизион театр. И. Авижюс. Жудоликлари йиллар». 1-қисм. 24.00 Кўрсатувлар программаси.

Тожикистон телевидениесининг программаси

17.45 Кўрсатувлар программаси. 17.50 «Инқилоб радиоси». Ҳужжатли фильм. 18.15 «Ғунчахон санъат». Болалар учун концерт. 18.45 «Кинокамера» билан саёҳат». 19.30 «Новости» информацион программаси. 19.50 «Фан, техника, тараққиёт». 20.20 «Ахбор» информацион программаси. 20.40 Концерт. 21.30 Душанба кўрсатувларининг охири.

Октябрь район Соғлиқни сақлаш бўлими ва медицина ходимларининг район касаба союз комитети, ҳамда 35 поликлиника коллективи шу поликлиника врачи С. В. Муҳиддиновага онаси

Сора ШАРИПОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг клиник касалхонаси ва Тошкент Давлат медицина институти 1-даволаш факультетининг факультет хирургияси кафедрасининг коллективлари шу кафедра ассистенти медицина фанлари кандидати И. И. Юнусовга отаси

Иноғом ЮНУСОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

4 БЕТ. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

5 МАЙ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700,000: ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва харбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85, хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 38-81-42.

Р.—12928. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр—Д—1301.